

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT ARHITEKTURA VA
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

147 Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон
Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1075-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 137-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2001 йил 28 сентябрдаги 04-6-сон қарори (рўйхат рақами 1075, 2001 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 20-сон) билан тасдиқланган Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 5 февраль,
1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.